# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 20 июнь, № 120 (5540) Чоршанба


# Иқтисодий ютуқларимиз намойиши







**Кўргазма**

***Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуида “FoodExpo Uzbekistan” — озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар, ускуналар, қадоқлаш ва ишлаб чиқариш технологиялари ҳамда “AgroExpo Uzbekistan” — қишлоқ хўжалиги техникаси халқаро ихтисослаштирилган кўргазмалари иш бошлади. Мазкур тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, Озиқ-овқат саноати корхоналари, Фермер хўжаликлари уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида “ZarExpo” миллий кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.***




**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

Маълумки, мамлакатимизда аграр сектор ривожига қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми йил сайин ошиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлаш, истеъмол бозорини сифатли ва арзон неъматлар билан тўлдириш имконини бераётир. Айниқса, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, тармоқда замонавий технологияларнинг изчил татбиқ этилаётгани муваффақиятлар гарови бўлмоқда.

Ушбу халқаро тадбир эса иқтисодиётимизнинг ана шу муҳим соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг чинакам намойишига айланди. Сабаби, кўргазма бурчакларида заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва улар асосида тайёрланган табиий шарбатлар, юқори сифатли истеъмол товарлари ўрин олганки, бу чет элликларга тармоқлар равнақи билан яқиндан танишиш учун қулай имкониятдир.

(Давоми 2-бетда).

## Дунё нигоҳи

*Яқинда Сингапурда чоп этиладиган оммабоп нашрларда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган қатор суратли мақолалар эълон қилинди. Хусусан, “Sports & Travel” журнали ва сайёҳлик масалаларини ёритишга ихтисослаштирилган “Asian Geographic” журнали ўз ўқувчиларини юртимизнинг беқиёс табиати, бой тарихий-маданий ва маънавий мероси, шунингдек, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги билан таништирди.*

# Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти Сингапур матбуоти саҳифаларида

“Sports & Travel” журналида ёзилишича, сўнгги йилларда Ўзбекистон сайёҳлар учун тобора жозибадор мамлакатга айланмоқда. Жумладан, бой тарихий-маданий мерос, кўплаб ноёб меъморий ансамбллар билан бир қаторда, гўзал пурвиқор тоғлар ва замонавий сайёҳлик инфратузилмаси мавжудлиги Ўзбекистоннинг халқаро сайёҳлик хизматлари бозорида катта устунликка эга бўлишини таъминлаётир.

Журнал саҳифаларида қайд этилишича, “Ўзбекистон, бу — сеҳрли диёрга саёҳат бўлиб, Буюк Ипак йўлининг асосий чорраҳаларини, моддий-маданий бойликлар — турли тарихий даврлар ва сулолалардан асрлар оша бизгача етиб келган ҳашаматли ёдгорликларни ўз кўзинг билан кўришинг ва уларни ҳис қилишинг учун ноёб имкониятларни тақдим этадиган мамлакатдир”.

Юртимизнинг бетакрор табиатига тўхталинар экан, журналда мамлакатимиз манзаралари қуйидагича тасвирланади: “Тоғ кўринишлари, шаффоф сувларнинг саҳро ва воҳалар оша шилдироқ анҳорлар узра оқиб келиши, ёркин яшил рангга бурканган водийлар ва мовий кўллар. Дунёдаги энг ширин мева ва сабзавотлар фақат шу ерда, жазирама Осиё қуёши тафтида ширин шарбатга тўлиб пишади”.

(Давоми 2-бетда).

## Қарор ва ижро

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан “Фитч рейтингс” халқаро рейтинг агентлиги билан ҳамкорликда халқаро амалий конференция ўтказилди.*

# Халқаро анжуман

Конференцияда Марказий банк, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси ҳамда тижорат банкларининг раҳбарлари ва масъул ходимлари қатнашди.

Мазкур конференция Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси доирасида ташкил этилди.

Конференция беқарор жаҳон иқтисодиёти ва салбий ташқи омиллар шароитида Ўзбекистон банк тизимининг барқарор ривожланиши масалаларига бағишланди.

Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўпгина ривожланган давлатлар молия-банк тизимига жиддий зарар етказди, жумладан, инқироз натижасида бир қатор хорижий банкларнинг кредит ва инвестиция салоҳияти пасайиб кетди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон томонидан пухта ўйланган ва ўз вақтида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чора-тадбирлар, шунингдек, молия-иқтисод,

(Давоми 2-бетда).

# Муқаддас бурч

*Истиқлол туфайли халқимизга тинчлик ва фаровонлик шукуҳидан баҳраманд бўлиш бахти насиб этди. Ана шундай дориламон кунларимиз, эришаётган улкан муваффақиятларимизга бутун дунё ҳавас билан қараётгани эса ҳар биримизни ғурурлантиради.*

## Фахр

Шубҳасиз, бунда Президентимиз раҳнамолигида барча соҳалар қатори ички ишлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида битирувчиларга диплом топширишга бағишлаб ўтказилган маросимда сўз олганлар ҳам буни алоҳида таъкидлашди.

Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби ички ишлар идоралари, хусусан, унинг таркибий қисми бўлмиш ёнғин хавфсизлиги хизмати тизими учун етук мутахассислар тайёрлаб беришда катта салоҳиятга эга таълим маскани ҳисобланади. Ҳозир бу ерда битта факультет, 12 та кафедра, илмий текшириш маркази, 14 та бўлим ва хизматлар, компьютер хонаси ҳамда ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. Мазкур олий мактабдаги “Малака ошириш” факультетида ички ишлар идоралари офицерлар таркиби ҳамда бошқа вазирлик ва идораларнинг муҳандис-техник ходимлари учун малака ошириш ўқув курслари ҳам ташкил этилади.

(Давоми 2-бетда).

## Дил сўзи

*Сурхондарёлик фермерлар томонидан бу йил 98 минг гектар майдонда ғалла етиштирилди. Айни пайтда олтиндек товланиб турган буғдойзорлардаги ҳосил юқори унумли замонавий комбайнлар ёрдамида йиғиштириб олинмоқда.*

# Мақсадимиз улуғ, аҳдимиз қатъий

Президентимиз Ислом Каримов вилоятимизга ташрифи чоғида хўжалигимиз далаларида бўлиб, ушбу жараён билан танишар экан, қишлоқ хўжалиги ходимлари, фермерлар билан дилдан суҳбатлашдилар. Айниқса, пахтачилик ва ғаллачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги фикрлари биз, фермерларга бўлган ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, пахта етиштиришнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Масалан, жорий йилнинг кўкламида ҳароратнинг меъёрдан пасайиши оқибатида ғўза ривожи бир оз суст кечди. Бундай паллада зарарли ҳашаротлар экинга ружу қўяди. Ишни мутахассислар маслаҳати, илғор тажрибалар асосида ташкил қилиб, экинни ўз вақтида озиқлантириб, чуқур ва сифатли ишлов берганимиз қўл келди. 76 гектар майдондаги ғўза баравж ривожланмоқда.

Шу кунларда далаларимизда ғалла ўрим-йиғими қизғин паллага кирган. Ҳосил чўғининг баландлиги моддий манфаатдорлигимиз ортишидан далолат бермоқда. Чунки 71 гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан 63-64 центнердан сара дон йиғиштириб олаяпмиз.

Президентимиз фермернинг фаолияти фақат ғалла ёки пахта етиштириш билан чекланиб қолмаслиги, қайта ишлаш корхоналари ташкил этиш, аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида интилиши, изланиши лозимлигини уқтирдилар. Хўжалигимизда 55 нафар киши меҳнат қилади. Ўтган йили пахта ва ғаллачиликдан салкам 100 миллион сўм соф фойда олган эдик. Унинг бир қисмини мавжуд техника ва ускуналарни янгилаш, ишчиларнинг ижтимоий муҳофазани кучайтиришга сарфладик.

(Давоми 2-бетда).

## Тадбир

*Ўзбекистон Миллий матбуот марказида қишлоқ жойларида оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, соғлом авлодни шакллантириш борасида амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги режаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

# Соғлом бола, бахтиёр она

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадбирда соҳа мутасаддилари, скрининг, перинатал, педиатрия ва репродуктив саломатлик марказларининг мутахассислари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда оналик ва болалик муҳофазасига қаратилаётган юксак эътибор, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар келажагимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бинобарин, ушбу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатлар бугун нафақат юртимиз, балки халқаро миқёсда ҳам ибрат тариқасида эътироф этилаётир. Ўтган йили ноябрь ойида пойтахтимизда ўтказилган “Соғлом она — соғлом бола” мавзуидаги халқаро симпозиумда Ўзбекистон оналар ва болалар саломатлигини асраш йўлида тиббиётнинг ўзига хос миллий моделига асосланиб, намунали иш олиб бораётган мамлакат сифатида хорижлик экспертлар томонидан ижобий маънода кўп бор тилга олинганлиги бунинг ёркин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## Хушхабар

*Жорий йилнинг энг нуфузли мусобақаси — XXX ёзги Олимпиада ўйинлари бошланишига ҳам оз фурсат қолди.*

*Қувонарли жиҳати, Лондон шаҳрида ўтказиладиган мазкур йирик спорт анжумани яқинлашгани сайин унда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар сафи ҳам кенгайиб бормоқда.*

# Олимпиадага яна икки йўлланма

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан хабар берилишича, енгил атлетика бўйича ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртларимиздан Елена Смолянова ва Суҳроб Хўжаев муваффақиятли иштирок этиб, ана шундай имкониятни қўлга киритди.

Жумладан, Елена ядро улоқтириш баҳсларида 17 метр 68 сантиметр, Суҳроб эса босқон улоқтириш беллашувларида 74 метр 20 сантиметр кўрсаткич билан олтин медалларга сазовор бўлди.

**Демак, Лондонда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчилар сони**

**55** нафарга етди.

Бунгача ўзбекистонлик енгил атлетикачилардан тўққиз нафари XXX ёзги Олимпиада йўлланмасини қўлга киритган эди. Булар Светлана Радзивил (баландликка сакраш), Юлия Тарасова (узунликка сакраш), Анастасия Журавлева, Александра Котлярова (уч ҳатлаб сакраш), Гўзал Хуббиева (100 м.га югуриш), Рифат Артиков (ўн кураш), Иван Зайцев, Анастасия Свечникова ва Наталья Асанова (найза улоқтириш).

**Ф. ИБРАГИМОВ тайёрлади.**

# Роғун ГЭСи қурилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши муқаррар

## Мустақил халқаро экспертларнинг хулосаси шундай.

*Дунёнинг турли мамлакатлари олимлари ва мутахассислари томонидан Тожикистонда, Амударёнинг юқори оқимида йирик гидроэнергетика иншоотининг қурилиши натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларни ўрганиш давом этмоқда. Ушбу қурилишнинг минтақада яшаётган аҳоли ҳаёти учун нақадар хавфлилиги яхши маълум, тадқиқотчилар ўз эътиборини фақат бундан катта зарар кўрадиган муайян соҳаларга қаратмоқда ҳамда зарарнинг кўламини баҳоламоқда.*

Бунга халқаро сув ресурслари ва экология муҳандислиги академик журналининг сўнгги сонида Американинг Нью-Мексико ва Шимолий Дакота университетларининг бир гуруҳ тадқиқотчилари томонидан тайёрланган “Роғун гидроэлектростанцияси тўғонининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига таъсири” деб номланган мақола яққол мисол бўла олади.

Роғун гидроэлектростанцияси қурилиши туфайли юзага келадиган сув тақчиллиги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига ҳар йили 600 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар етказиши, ялпи ички маҳсулотнинг икки фоизга камайиши ва 300 минг кишининг ишсиз қолишига сабаб бўлиши мумкин. Роғун тўғони қурилишининг Ўзбекистон иқтисодиётига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини чуқур таҳлил қилиб чиққан америкалик бир гуруҳ тадқиқотчиларнинг хулосаси шундай.

Тадқиқотчилар Роғун гидроэлектростанцияси сув омбори сувга тўлдирилиб, тўлиқ режимда ишлай бошлагач юзага келиши мумкин бўлган икки — энг ёмон ва эҳтимолга яқин ҳолатни баҳолаган.

Уларнинг маълумотларига кўра, Роғун сув омборини тўлдириш учун 12,4 йил керак бўлади. Бу даврнинг ўзи катта мураккабликларни келтириб чиқариши муқаррар. Чунки Амударё оқимининг бир қисми тўсилади ва суви мазкур сув омборига йўналтирилади. Олимларнинг фикрича, Роғун ГЭСининг асосий салбий таъсири ёз мавсумида — у сувга тўлдирилиб, қишда суви чиқариб юборилганида, айниқса, кучаяди.

Роғун ГЭСи электр энергиясини тўлиқ ишлаб чиқариш тартибида ишлаган пайтда ёзда Амударёнинг сув сатҳи 18 фоиз камаяди, қиш даврида эса, аксинча, 54 фоиз кўпаяди. Бу эса Ўзбекистонда май-сентябрь ойларида (суғориш мавсумида), яъни муҳим вегетация даврида кескин сув тақчиллиги юзага келиши, сентябрь-майда эса сув кўпайиб, тошқинлар рўй бериши мумкинлигидан далолатдир.

“Бу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётига катта зарар келтиради, яъни 506 минг гектар ерни (суғориладиган майдоннинг қарийб 11 фоизини) қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқариб ташлашга олиб келади. Бу эса камида 336 минг киши ишсиз қолиши мумкин, демакдир. Натижада Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 2,2 фоизга қисқаради, давлат даромадлари 6,9 фоизга камаяди ва энг ёмони, иқтисодий ўсиш ҳам пасаяди,” деб ёзади америкалик тадқиқотчилар.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти Сингапур матбуоти саҳифаларида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мақолада Буюк Ипак йўлида жойлашгани ҳолда, Осиё ва Европани бирлаштириб турувчи Ўзбекистон ўзининг қадим тарихий-маданий ёдгорликлари ва кўҳна маданиятининг ўзига хослиги билан дунёнинг турли нуқталаридан келган сайёҳларни жалб этаётгани ҳақида атрофлича маълумотлар берилган. “Бугунги кунда ҳам Ўзбекистоннинг замонавий шаҳарлари — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент тасаввуримизда шарқона гўзаллик ва мўъжизавийлик тимсоли сифатида яшаётир”.

“Asian Geographic” журнали ҳам ҳозирги кунга қадар ўзбек халқининг улуғ аждодлари хотирасини сақлаб келаётган, Буюк Ипак йўлининг кўплаб савдо карвонларидан таралган қўнғироқлар жаранги гўёки бугун ҳам акс садо бераётган қадимий шаҳарларимизнинг улуғвор архитектурасини инсон ўз кўзи билан кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Шунингдек, Ўзбекистонда экологик, даволаниш туризми ва сайёҳликнинг бошқа турлари муваффақият билан ривожланаётгани ҳам нашрда қайд этилган. Хусусан, унда ёзилишича, “Хорижлик сайёҳлар учун Қизилқум ва Қорақум саҳроларида изланишлар олиб бориш ҳамда отда саёҳат қилиш, Ғарбий Тянь-Шань тоғларида альпинизм билан шуғулланиш имконияти мавжуд. Қолаверса, Ўзбекистоннинг миллий қўриқхоналари ва дам олиш масканлари ҳам сайёҳларни бирдек жалб этади. Тошкент ва Жиззах вилоятларининг табиати гўзал жойларида дам олувчилар учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган махсус экология ҳудудлари ташкил этилган. Бундан ташқари, минерал булоқлар ёнида замонавий даволаш муассасалари ҳам фаолият юритади”.

Журналда мамлакатимизда дунёдаги деярли барча динларга оид кўплаб гўзал ёдгорликлар мавжуд эканлиги ёритиб ўтилган.

Ҳар икки мақолада ўзбек халқининг самимияти ва меҳмондўстлигидан хорижлик меҳмонлар доимо илиқ таассуротлар орттириши, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари сингари Буюк Ипак йўли ганжиналарининг улуғвор гўзаллиги эса ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмаслиги алоҳида таъкидланади.

**«Жаҳон» АА.**
Сингапур

*Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш устувор вазифалардан саналади. Бинобарин, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.*

# Таълимда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини самарали қўллаш — долзарб вазифа

Тегишли қонунчилик базасининг яратилгани бу борадаги самарадорликни изчил ошириб боришга асос бўлмоқда. Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”-ги Қонуннинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Зотан, у жамиятнинг барча тармоқлари, шу жумладан, таълим жараёнларига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилишда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан 2011 йилда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб ҳунар таълими маркази тизимларида ижро этилиши назорат-таҳлил тартибида ўрганилганда, шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган эди. Унинг якунлари бўйича қабул қилинган қарорда таълим жараёнига замонавий компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқитувчилар таркибининг компьютер техникаси ва ахборот технологиялари, интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш, таълимга оид долзарб электрон ресурсларни ривожлантириш, компьютер техникаси ва интернет тизимидан ўқувчи-ёшларнинг самарали ҳамда хавфсиз фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш бўйича қатор таклиф ва тавсиялар белгиланган эди.

Куни кеча қуйи палатада ташкил этилган йиғилишда мазкур парламент назорати бўйича чиқарилган қўмита қарори ижроси муҳокама қилинди. Унда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, мутахассис-экспертлар қатнашди.

— Ушбу Қонуннинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши таълим жараёнини ҳам ахборотлаштириш имконини берди, — дейди қўмита аъзоси Д. Холиқова.

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

— Жумладан, умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус таълим муассасалари замонавий компьютер жиҳозлари ҳамда техникаси билан таъминланди, ўқув жараёнида мультимедиа, электрон дарсликлар, рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Айни чоғда уларда ахборот-ресурс марказларини ташкил қилиш борасида кўламли ишлар амалга оширилаётир. Чунончи, “ZiyoNET” ахборот-таълим порталини ташкил этиш, уни янада ривожлантиришга оид кенг кўламли чора-тадбирлар рўёбга чиқарилаяпти. Масалан, бугунги кунда 9400 та умумтаълим мактаби ва 1348 та ўрта махсус таълим муассасаси мазкур тармоққа уланган. Бу эса ота-оналар, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, педагогика соҳасида тадқиқот олиб бораётган олимлар учун таълим, илм-фандаги сўнгги янгиликлардан бохабар бўлиш, мактаблар振 ўзаро тажриба алмашиш, илғор педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ қилишда катта аҳамият касб этаётир.

Тадбирда кун тартибидаги масала юзасидан Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Унда Қонун талаблари доирасида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва чора-тадбирлар дастури қабул қилингани айтиб ўтилди. Ўқув жараёнида кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларидан самарали фойдаланиш, ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш, таълим-тарбия жараёнида интерфаол усулларни кенг қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, оптик толали алоқа линияси орқали юқори тезликдаги “Электрон таълим” миллий тармоғи барпо этилиб, таълим муассасаларини ягона корпоратив тармоққа улаш юзасидан муайян ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқув масканларини компьютер техникаси ва мультимедиа воситалари билан таъминлаш, уларни интернет ҳамда “ZiyoNet” таълим порталига улаш ишлари белгиланган режа асосида бажарилаяпти. Биргина 2011 йилда умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув муассасалари синф хоналарини замонавий компьютер воситалари билан жиҳозлаш лойиҳаси доирасида 376 та касб-ҳунар коллежи ҳамда академик лицей, улар қошидаги 280 та ахборот-ресурс маркази, 2154 та умумтаълим мактаби компьютер жамланмалари ва мультимедиа технологиялари билан таъминланди.

Булардан ташқари, педагоглар малакасини ошириш мақсадида махсус ўқув дастури асосида курслар ташкил этилди. Қолаверса, “ZiyoNET” ахборот-таълим порталига 200 дан ортиқ ўқув адабиёти ва ўқув дастурлари, 1900 дан зиёд таълим ресурси жойлаштирилди. Замонавий ўқув материаллари билан фойдаланиш имкониятини таъминловчи ахборот-таълим манзили яратилиб, унга 40 дан ортиқ мультимедиа материаллари, виртуал лаборатория, турли тест ва бошқа керакли ахборотлар киритилди.

Муҳокамаларда Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимида ахборотлаштириш соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар хусусида ҳам фикрлар билдирилди.

Йиғилишда бугунги ахборот глобаллашуви даврида ўқувчи-ёшларни менталитетимиз ва маънавий қадриятларимизга ёт бўлган, соғлиғи ва маънавий-ахлоқий тарбиясига зарар етказувчи ахборот хуружларидан муҳофаза қилиш масалалари юзасидан ҳам мулоҳазалар айтиб ўтилди.

Тадбирда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, қўмита қарори қабул қилинди.

**С. МАХСУМОВ.**

# РОҒУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИ ҲАЛОКАТЛИ ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУҚАРРАР

## Мустақил халқаро экспертларнинг хулосаси шундай.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бироқ Ўзбекистон ўз қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини камайтиришга доир катта чоралар кўрган тақдирда ҳам 314 минг гектар суғориладиган майдонни оборотдан чиқаришга тўғри келади. Бунинг натижасида 208 минггача аҳоли ҳаётий манбалардан узилиб қолади. Мамлакат ялпи ички маҳсулоти 1,4, бюджет даромадлари эса 4,3 фоизга камаяди.

Олимларнинг бу борадаги хулосаси аниқ — Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ соҳалар, умуман, мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказилади. Яна бир хулоса шундан иборатки, Амударёнинг сув сатҳи қиш даврида кескин кўтарилиб, қуйи оқимда жойлашган ерлар сув остида қолади. Бу Амударёнинг қуйи қисмида яшовчи аҳоли ҳаётига бевосита катта хавф солади, шунингдек, бинолар, иншоотлар, йўллар, бошқа коммуникацияларнинг вайрон бўлиши, экин майдонлари ва боғлар сув остида қолишига олиб келади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ушбу тадқиқотда экологик хавфлар, шунингдек, кучли зилзилалар рўй берганида ва баланд тоғда жойлашган тўғон ўпирилган тақдирда юз берадиган техноген фалокатларнинг фожиали оқибатлари ўрганилмаган.

Хавфсизликка таҳдид солувчи омиллар турлича баҳоланаётганига қарамай, тадқиқотчилар мазкур шубҳали лойиҳанинг амалга оширилиши Тожикистоннинг ўзига ҳам, дарёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларга ҳам, умуман, бутун Ўрта Осиё минтақасига жиддий салбий таъсир кўрсатади, деган бир хил фикрдадир.

**(ЎзА).**

# Соғлом бола, бахтиёр она

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелда қабул қилинган “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жойларда комплекс равишда иш олиб борилмоқда. Натижада ўтган йиллар давомида юртимизнинг барча ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида умумий қиймати 30 млн. АҚШ долларидан зиёд маблағ эвазига 3172 та ҚВП замонавий асбоб-анжомлар ва энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозларга эга бўлди. Бундан ташқари, 90 та туман тиббиёт бирлашмаси лабораториялари ультратовуш ташхиси ускуналари ҳамда 575 та биокимёвий анализаторлар билан таъминланди.

— Фаровон келажагимизни таъминлаш йўлидаги бундай хайрли ишлар шу пайтга қадар жаҳоннинг ҳеч бир давлатида кузатилмаган, — дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуда Каттахўжаева. — Айниқса, ҳомиладор аёлларни зарур микронутриентлар ва умумий қувватлантирувчи поливитаминлар билан таъминлашга йўналтирилган тадбирлар учун ҳар йили давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилаётганлиги фарзандларимизнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши йўлидаги оқилона чора-тадбирлар сирасидандир.

Тадбирда бу борадаги амалий саъй-ҳаракатлар кўламини янада кенгайтириш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, репродуктив саломатликни асраш, тиббий хизмат сифатини ошириш, соғлом оилани шакллантиришнинг муҳим омиллари ва юқумли касалликларнинг олдини олиш йўналишидаги чора-тадбирлар хусусида журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Мақсадимиз улуғ, аҳдимиз қатъий

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу йил шу каби ишларни давом эттириб, маҳалламизда нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик цех барпо қилиш, қорамолчилик фермасини ташкил этиш ҳамда паррандачиликни йўлга қўйиш ниятидамиз. Шу орқали яна 25-30 нафар кишини доимий иш билан таъминлашни мақсад қилганмиз. Бунга эришиш, муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун эса деҳқончилик маданиятини ошириш, ердан оқилона фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш каби чора-тадбирларни изчил амалга оширишимиз зарур.

Ҳозирги кунда ғаллани сифатли саранжомлаб олиш билан бирга, уруғлик учун экилган “Султон” навли ғўза ҳам кўнгилдагидек парваришланяпти.

Халқимизнинг “Сен ерни боқсанг, ер сени боқади”, деган ҳаётий мақоли бугун биз, фермерлар фаолиятида ўз исботини топмоқда. Зеро, ер — ризқ-рўзимиз манбаи. Ундан мўл ҳосил олиш учун эса бизга жуда кенг имкониятлар яратилган. Бундан тўғри фойдаланган, жаҳоннинг илғор тажрибасини қўллаган мулкдор кўзлаган мақсадига етиши аниқ.

**Абдузойир ШОМУРОДОВ,**
**Термиз туманидаги «Сурхон сарвари» фермер хўжалиги раҳбари.**



# Муқаддас бурч

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Байрамона тадбирда иштирок этган ички ишлар вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фахрийлар, ота-оналар битирувчиларга масъулиятли ва шарафли вазифаларида омад ёр бўлишини тилаб қолишди.

* * *

Худди шундай маросим Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ҳам бўлиб ўтди.

Қайд этиш лозимки, ушбу илм масканида бугунги кунда юксак қобилиятли, жисмонан соғлом ва бақувват, замонавий ҳарбий техникаларни бошқара оладиган, иродали, энг асосийси, Ватанимизга садоқатли офицер кадрлар тайёрланмоқда.

Тадбирда битирувчилар мустақил диёримизни, халқимизни ишончли ҳимоя қилиш, осмонимиз мусаффолигини сақлашдек муқаддас бурчни адо этишга чоғланаётгани таъкидланиб, уларнинг келгусида ана шу ишончни шараф билан оқлашига умид билдирилди.

— Мазкур олий ҳарбий-техника билим юртида замонавий таълим олиш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди битирувчи З. Оқбўтаев. — Ана шундай моддий-техник базаси мустаҳкам ўқув муассасасини битириб, офицерлик унвони ва мутахассислик дипломига эга бўлганимдан чексиз фахрланаман. Барча сафдошларим қатори мен ҳам мустақил ҳаётга қадам қўяр эканман, мамлакатимиз осойишталиги йўлида бор куч ва ғайратимни аямай, сидқидилдан хизмат қилишга ваъда бераман.

— Ўғлим Хуршиджоннинг болалик орзуси ушалганидан жуда-жуда қувондим, — дейди Шаҳрисабз шаҳридан келган онахон Н. Абдуллаева. — Ахир қайси она фарзанди камолини кўришдан, унинг юртни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ҳисса қўшишга киришганидан фахрланмайди, дейсиз?

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида ташкил этилган битирув маросимида ана шундай кўтаринки руҳ ҳукмрон бўлди.

**Фазлиддин АБИЛОВ,**
**Шаҳло БОБОЕВА.**

# Иқтисодий ютуқларимиз намойиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иштирокчилар, жумладан, “TBS Group” масъулияти чекланган жамияти томонидан таклиф этилаётган сабзавот ва полиз маҳсулотлари, хусусан, қовунларга катта қизиқиш билдиришмоқда. Чунки бу ерда замонавий технология ёрдамида унинг эртаки навини етиштириш йўлга қўйилган. Айни шу кунларда эса 100 гектар майдондаги қовун ҳосили узилиб, чет давлатларга жўнатилаётгани бунинг яққол далилидир.

— Ўтган йили 100 тонна қовунни экспорт қилган эдик, — дейди жамиятнинг бўлим бошлиғи Наби Сайбердиев. — Жорий йилда бу кўрсаткични янада ошириш ниятидамиз. Негаки, хорижлик талабгорлар тобора кўпайиб бормоқда. Кўргазма қатнашчилари ҳам маҳсулотимизни сотиб олиш бўйича шартнома имзолаш истагини билдиришаяпти.

Кўргазмада озиқ-овқат маҳсулотлари ва чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашда қўлланиладиган энг замонавий технология ва ускуналар, қадоқлаш ва ўраш линиялари, қандолатчилик учун минитехнологиялар, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникалари, чорвачилик, паррандачилик ва ветеринария асбоб-ускуналари, минерал ўғитлар ва препаратлар намойиш қилинмоқда. Улар маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ташқари, ўнга яқин хорижий давлатларнинг 50 дан ортиқ компаниялари томонидан таклиф этилаяпти.

— Кўргазма билан танишиб, Ўзбекистоннинг озиқ-овқат саноати жадал ривожланаётганига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим, — дейди Покистоннинг “Fauji Cereals” компанияси бош директори Маҳмуд Султон Холид. — Юртингиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати, қадоқланиши, дизайни бўйича дунёда бемалол рақобатга кириша олади. Бизнинг компаниямиз эса, асосан, дуккакли ўсимликлар ёрмаси, болалар учун бўтқалар тайёрлашга ихтисослаштирилган. Ушбу йўналишда ҳамкорлар топиш, биргаликда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятидамиз.

Уч кун давом этадиган кўргазма доирасида маҳаллий ва хорижий компанияларнинг тақдимотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати бўйича семинар, шунингдек, “2012 йилнинг энг яхши маҳсулоти” танлови ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими ўтказилиши кўзда тутилган.

**Р. САИДОВ.**

# Халқаро анжуман

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

банк-кредит тизимларининг узлуксиз ва мустаҳкам фаолиятини таъминловчи корхоналар, иқтисодиётнинг реал соҳалари ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чораларнинг қабул қилиниши инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим ўрин тутганлиги агентлик экспертлари томонидан таъкидланди.

Хусусан, юқори иқтисодий ўсиш, мустаҳкам молия-банк тизими ва паст даражадаги давлат қарзи макроиқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир қилувчи омиллар сифатида эътироф этилди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар шароитида Ўзбекистон банклари фаолиятига бағишланган мазкур мавзунинг долзарблигини инобатга олган ҳолда, “Фитч рейтингс” агентлиги экспертлари томонидан халқаро илғор тажриба асосида банк тизимининг кўрсаткичлари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон шароитида қўллаш мумкин бўлган бир қатор таклифлар билдирилди.

Халқаро конференция давомида “Фитч рейтингс” агентлиги вакиллари банк тизимининг ривожланиши юзасидан ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Мазкур конференция халқаро стандартларга асосланган рискларни бошқариш соҳасидаги билимларни қўллаш бўйича яхши имкониятлар яратди.

Конференцияда етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган халқаро нормалар, мезонлар ва стандартларга асосланган тижорат банклари ва бутун молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишнинг замонавий тизимини жорий этиш масалалари муҳокама қилинди.

Халқаро нуфузли рейтинг агентликларининг ижобий рейтинг баҳоларини олиш банкларнинг халқаро банк хизматлари бозорига чиқиши учун имконият яратади. Ўзбекистон банк тизимига инвесторлар ва аҳоли томонидан ишончнинг янада ортишига хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда республикамизнинг 26 та тижорат банки нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтинг баҳосига эга бўлиб, шундан ўнтаси “Фитч рейтингс” халқаро рейтинг агентлигининг рейтинг баҳоларини олган.

Ушбу баҳолар мамлакатимиз банкларининг мажбуриятларини ўз вақтида бажариш, молиявий ресурсларни мустақил бошқариш, молиявий барқарорлик ва ликвидликни таъминлаш, активларни зарур даражада диверсификация қилиш, банк операцияларининг ажралмас қисми бўлган рискларни бошқариш, банклар фаолиятини мувофиқлаштириш ва устидан кучли назорат ўрнатиш салоҳияти юқорилигидан далолат беради.

Халқаро конференция “Фитч рейтингс” халқаро рейтинг агентлигининг малакали мутахассислари ва тижорат банклари вакиллари ўртасида очиқ мулоқот ҳамда мунозара тарзида ўтди.

Конференция давомида билдирилган тавсиялар республика молия-банк тизими барқарорлигини ошириш ва ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, банклар, умуман, молия-банк соҳасини баҳолаш тизими ва ёндашувларини ўзгартириш, банклар фаолиятини ташкил этишда умумқабул қилинган мезонларни янада кенгроқ жорий этиш имконини беради.

**(ЎзА).**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**

# ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

*Танлов мавзуси: «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшларнинг илмий-техник, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларини амалга ошириш».*

**Танловга Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг қуйидаги йўналишлардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:**

— ёшларни эркин фикрлаш, мустақил позицияга ва қатъий ишончга эга бўлиш руҳида тарбиялашга қаратилган ижтимоий шерикликни кучайтириш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

— ёшларнинг эҳтиёж катта бўлган касбларга эга бўлишларига кўмаклашиш, кичик шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида яшаётган ёшларни, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини иш билан таъминлаш;

— истеъдодли ва иқтидорли ёшларни илмий йўналишдаги фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятларини тўла ишга солишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

— ёшларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларимизни ҳурмат қилиш, мамлакатимизнинг бой тарихий меросини авайлаб-асраш руҳида тарбиялаш;

— ёшлар онгига соғлом турмуш тарзи тамойилларини сингдириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик каби унсурлардан, четдан кириб келаётган «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига ариза тақдим этилаётганлиги ҳақидаги кузатув хати;

2. Жамоат фондининг www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган грант лойиҳасининг аризаси;

3. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

4. Низом нусхаси (ташкилот муҳри билан тасдиқланган ўзгартиш ва қўшимчалар билан).

Бундан ташқари, тақдим этилаётган ҳужжатларга манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг тавсияномаси ва мазкур лойиҳанинг қўллаб-қувватлаш хати илова қилиниши мумкин.

**Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори — 15 миллион сўмгача.**

ННТларнинг ўз маблағларини жалб этилиши қўллаб-қувватланади.

Ҳужжатлар 2012 йил 15 июль соат 18.00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этишлари мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар муҳрланган конвертда (А4 формат): «100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй» манзилида жойлашган **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди** номига юборилиши шарт.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатларининг намуналари билан жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун тел.:
239-26-76, 239-26-64.

Бунёдкорлик

*Шуманайлик тадбиркор Байрам Темирбоев туман марказидаги икки қаватли бинони таъмирлаб, “Ақсунгул” маиший хизмат кўрсатиш корхонасини ишга туширди.*

# Янги мажмуа — аҳоли хизматида

Сартарошхона, гўзаллик салони, тикувчилик цехи, маиший техникаларни таъмирлаш устахонасини ўз ичига олган мажмуада ҳозир ўттиз нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

— Дастлаб банкнинг 70 миллион сўмлик кредитига “PFAFF” русумли 40 та тикув машинасини келтиргандик, — дейди тадбиркор. — Тикувчиликдан тушган даромад ҳисобига фаолиятимизни кенгайтираяпмиз.

Туман бўйича жорий йилнинг 5 ойида кичик корхоналар ташкил этилгач, 728 та иш ўрни яратилди.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва меҳмонлари диққатига!**

«Ўзбекистон темир йўллари»
давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг

**«Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ**
**сайёҳлик агентлиги**

**Самарқанд шаҳрига «AFROSIYOB» тезюрар поездида гуруҳлар учун саёҳат турлари ташкил қилади.**




Касаба уюшма қўмиталари ва бошқа ташкилотларни ўзаро манфаатли ҳамкорликка чорлайди.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефонлар бўйича мурожаат қилиш мумкин: (8-371) 299-71-66, 237-86-18.
Тел./факс: (8-371) 299-70-25.
E-mail: uzjeldpass@mail.ru, www.uzrailpass.uz

Хизматлар лицензияланган.

1008R/620


Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўлами ниҳоятда кенг. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, жамият ҳаётининг барча жабҳасида кечаётган бундай ўзгаришларда, аввало, инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ғояси устувордир.

# Оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш – устувор йўналиш

Айниқса, 2012 йилнинг Президентимиз томонидан Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан Давлат дастури қабул қилингани қатор ижобий ўзгаришларни юзага чиқармоқда.

"Туронбанк" очиқ акциядорлик тижорат банки жамоаси ҳам айни пайтда мазкур дастур ижросини таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдаки, бунинг натижасида аҳоли даромади ва турмуш фаровонлиги ортиб бораётир.

Чунончи, молия муассасасининг Фарғона филиали томонидан оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш масаласига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Зотан, оилалар фаровонлигига эришишда бу саъй-ҳаракатларнинг аҳамияти катта. Чунки тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш орқали иш ўринларини яратиш ҳамда ички бозорни маҳсулотлар билан тўлдириш мумкин. Албатта, бу тадбирлар уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлашда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, жорий йилдан бошлаб, оилаларда чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавот ва боғдорчиликни ривожлантириш, иссиқхона қуриш мақсадида 3 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани 100 дан зиёд оила аъзолари иш билан таъминланишига замин яратди.

— "Туронбанк"нинг Фарғона филиали кўмагида оилавий бизнесимизни йўлга қўйдик, — дейди Қува туманидаги "UNI AGRO INVEST" шўъба корхонаси раҳбари Озод Саидназаров. — Бугун паррандачилик ортидан турмушимиз янада яхшиланиб, бир қанча ёшларни даромадли иш билан ҳам таъминладик. Шу маънода айтиш мумкинки, оилавий бизнес нафақат бир оиланинг, балки қишлоғимизнинг манфаатига хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга қадар филиалнинг молиявий кўмаги билан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйган оилалар сони 15 тага етгани, айниқса, диққатга сазовордир. Тақдим этилган молиявий кўмак ҳисобидан оилавий бизнес вакиллари ўз фаолиятини ривожлантириш, шунингдек, қарзларини муддатидан олдин тўлаш имкониятига ҳам эга бўлишмоқда.

Банкнинг молиявий хизматларидан, имтиёзли кредитларидан фойдаланиб, ўз бизнесини, тадбиркорлигини йўлга қўяётган ишбилармонлар сони кўпайиб бораётгани мазкур филиал жамоасининг мижозлар билан самарали ҳамкорлик қилаётганидан далолат беради.

Яна бир мисол. Фарғона шаҳридаги "ФАР АКСУТ" масъулияти чекланган жамияти ҳам сут маҳсулотларини қайта ишлаш мақсадида "Туронбанк"дан 30 миллион сўм кредит олганди. Ушбу кредитга янги технология сотиб олиниб, тез фурсатда тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг эвазига бугун жамиятнинг сифатли маҳсулотларини нафақат Фарғона водийси бозорларида, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учратиш мумкин.

Дарҳақиқат, вилоятда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар сони жадал ортиб бормоқда. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида "Туронбанк" Фарғона филиалининг қарийб 100 млн. сўмлик маблағи ушбу соҳага йўналтирилиши ҳисобига 45 дан зиёд оилалар ўз бизнесини йўлга қўйди. Демак, бундан кўринадики, мазкур молия муассасаси маблағлари кўплаб рўзғорга барака киритиб, уларнинг ҳалол даромад ҳисобига турмушлари янада фаровонлашувига хизмат қилаяпти.

**«Туронбанк» матбуот хизмати.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1902,19 | 1 Исландия кронаси | 15,09 | 1 СДР | 2859,12 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2955,16 | 1 Канада доллари | 1842,98 | 1 Туркия лираси | 1043,09 |
| 1 Дания кронаси | 321,52 | 1 Хитой юани | 296,14 | 1 Швейцария франки | 1989,12 |
| 1 БАА дирҳами | 512,21 | 1 Россия рубли | 58,07 | 1 ЕВРО | 2364,69 |
| 1 АҚШ доллари | 1881,31 | 1 Украина гривнаси | 235,38 | 10 Жанубий Корея вони | 16,24 |
| 1 Миср фунти | 311,32 | 1 Малайзия ринггити | 597,91 | 10 Япония иенаси | 237,93 |
| | | 1 Польша злотийси | 563,05 | | |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*


**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
03

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**
**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

*Аукцион савдосига такроран қуйидаги мулклар қўйилмоқда:*

**I.** Ҳамза тумани СИБ томонидан тақдим қилинган, 2011 йил 25 июлдаги 21430/4-сонли бирлаштирилган ижро варақасига асосан хатланган, қарздор «UMUM QURILISH SERVIS» XICHQКга қарашли, бошланғич нархи 1 264 239 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод (собиқ О. Зокиров) кўчаси, 85-уй манзилидаги жами майдони — 10441 кв.м. ер майдонида жойлашган жами 523 кв.м.да жойлашган 4 та бино (блок-1 қоровулхона биноси — 14 кв.м., блок-2 ёрдамчи бино — 23 кв.м., шийпон майдони — 13 кв.м., блок-3 бокс биноси — 42 кв.м., блок-4 маъмурий бино — 431 кв.м.).

**II.** Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Экокимёбиосервис» МЧЖга тегишли, бошланғич нархи 379 280 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, бино-иншоотнинг умумий майдони — 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бинонинг биринчи қаватининг бир қисми, конструкция тури — ғиштли ва темир-бетон, асосий хоналар сони 12 та бўлган, 3- ва 7-хонадонларда жойлашган сартарошхона ҳамда дўкон (офис) бино-иншоотлари.

Аукцион савдоси 2012 йил 6 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1009A/505

*Лицензия: № 0039.*

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

***I. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:***

**1.** ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов маҳалласида жойлашган, майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номли болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган уй-жой).

***Бошланғич баҳоси — 539 696 196 сўм.***

**2.** ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 11 майдаги 2-126-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Самарқанд кўчаси, 85- ва 87-уйларда жойлашган, майдони — 1736,0 кв.м., 1 ва 2 қаватли, жами 50 хонадан иборат, 2006 йилда қурилиши бошланган уй-жой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 332 544 879 сўм.***

***II. Шунингдек, аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:***

**1.** ФИБ Термиз туманлараро судининг 2011 йил 15 августдаги 1-1439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ибн Сино кўчасида жойлашган, майдони — 47,40 кв.м., бир қаватли, бир хонадан иборат, А литердаги савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 36 450 000 сўм.***

**2.** ФИБ Термиз туманлараро судининг 2011 йил 15 августдаги 1-1439-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ат-Термизий шоҳкўчаси, «Термиз марказий бозори» биносининг 3-қаватида жойлашган, майдони — 22,10 кв.м., бир хонадан иборат, А литердаги 34-сонли савдо дўкони биноси.

***Бошланғич баҳоси — 19 800 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 10 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 6 июль куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609027, МФО: 01063, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.**
**Телефон: (8-376) 227-57-94.**
**Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

1010A/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ЖАМҒАРМАНИНГ КИЧИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ (www.sgp.uz)**

Салоҳиятни ошириш бўйича кўп мамлакатли ер ресурсларини бошқариш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ташаббуси (ГЭЖ/БМТТД/GIZ/ГМ) лойиҳаси билан биргаликда Ўзбекистоннинг тоғолди қурғоқчил районларида ерлари бўлган фермерларни ҳамда барча қизиққан кишиларни юқори навли хандон пистанинг саноат плантацияларини яратиш технологиялари бўйича бир кунлик ўқув семинарида иштирок этишга таклиф қилади. Бу технология Ўзбекистоннинг қурғоқчил тоғолди ерларидан фойдаланишнинг иқтисодий жиҳатдан энг фойдали амалиёти ҳисобланади. Семинар 2012 йилнинг июль ойи бошларида Республика манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Ғаллаорол таянч пунктида (Жиззах вилояти) бўлиб ўтади. Иштирокчиларнинг сони чекланганлиги ва уларнинг асосан, вилоятлардан келишларини ҳисобга олиб, семинарда қатнашишлари учун транспорт харажатларининг маълум қисмини қоплаш мақсадида катта бўлмаган молиявий ёрдам кўрсатилади. Танлаб олинган қатнашчилар рўйхатга олинганларидан сўнг семинарни ўтказишнинг аниқ муддати уларга телефон орқали қўшимча тарзда маълум қилинади. Машғулотлар рус тилида ўтказилади.

**Тўлиқ маълумот ва семинарда иштирок этиш учун ариза билан Темур Эрназарович Тўлагановга қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин: (+99897) 434-36-78.**

981A/100

**Муҳтарам юртдошлар! Сиз учун имконият!**

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатади ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилаётган хизматлар «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тажрибага эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

*«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишини кафолатлаймиз.*

905-2R/1441

**«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК**
Shurtan Navoi Plast-PE

**«POLIETILEN QUVURLAR» ШК**

**2010 йил сентябрь ойида Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонаси ишга туширилди.**

***Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.***

***Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан узоқ йиллар мобайнида халос этади.***



**ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР**
**50 ЙИЛЛИК**
**КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.**

**Полиэтилен қувурларга мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатлар берилган.**




**Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.**
Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

419R/156

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони.**

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**
(ҚҚС билан)



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача,** деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази жамоаси марказ директори Баҳром Исмаиловга падари бузруквори
**Маҳмуд ИСМАИЛОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль ва йўллар институти жамоаси Йўл қурилиши иқтисоди ва менежменти кафедраси профессори Зоир Саидовга волидаи муҳтарамаси
**Ақида ая САИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси Механика-машинасозлик факультети Қишлоқ хўжалиги техникаси ва сервиси кафедраси мудири, доцент
**Мирзакарим Тожиевич ХАЛИЛОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси қўмитаси Саноат экологияси кафедраси мудири, доцент Т. Турсуновга опаси
**Озодахон ЗОКИРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Қисқа сатрларда

*Воқеалар, янгиликлар, хабарлар*

**● НАВОИЙ шаҳридаги кончилик коллежида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда қатнашган 700 дан зиёд битирувчиларга Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли корхоналарнинг бўш иш ўринлари тавсия этилди. Якунда 600 дан зиёд ёш кадрларга мазкур корхоналарда ишлаш учун йўлланмалар берилди.**

● ХОВОС туманидаги "Фарҳод — 5" қўрғонида 40 ўринли замонавий туғуруқ мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. "Баҳром Файз" хусусий қурилиш корхонаси томонидан бажарилган бунёдкорлик ишлари учун бир миллиард 850 миллион сўм сарфланди. Бу ерга энг сўнгги русумдаги тиббий ускуна ва жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди.

**● "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг Наманган вилояти бўлинмаси глобал тармоқда ўз сайтини ишга туширди. Ундан ҳудуднинг туризм салоҳиятини кенг оммага етказишга мўлжалланган рус ва инглиз тилидаги муҳим маълумотлар ўрин олган.**

**— Қисқа муддатда сайтимиз билан 5 мингдан зиёд киши танишди, — дейди бўлинма раиси Ҳошимжон Ғайбуллаев. — Муҳими, сайёҳлар сони сезиларли даражада ошмоқда.**

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Инсон азиз

*Бугун инсониятни ҳайратлантириш осон эмас. Ахборот асрида қўлга киритилаётган муваффақиятлар, фан соҳасидаги оламшумул ихтироларни ҳам одамлар одатдагидек қабул қилишга ўрганишди. Бундан ҳам қизиғи, ҳозирги кунга келиб ҳар қандай ихтирою кашфиёт умрининг хийла муваққатлашгани бугунги тезкор замонамиз сифатларидан бири, дея талқин қилинмоқда.*

# Гиёҳвандлик — умр заволи

Ушбу ҳолат аслида янги асрда инсониятнинг имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бораётганини кўрсатади. Бу яхши, аммо, теграмизда авж олаётган баъзи муаммолар ҳам борки, у сизу биздан ўта ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этади. Гап шундаки, тараққиёт илдамлаб, тиббиёт ривожланиб бораётган бўлса-да, кейинги йилларда айрим хасталиклар туфайли минглаб одамлар ҳаётдан кўз юммоқда. Бундай нохуш ҳолатларга, афсуски, кўп ҳолларда инсоннинг ўзи сабабчи бўлаётир. Ана шундай ўта хавфли касалликлардан бири, бу — гиёҳвандликдир.

Гиёҳвандлик ва уни кишилар, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида БМТ ҳузурида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши халқаро ҳайъат ташкил этилган. Мазкур ҳайъат томонидан ҳар йили эълон қилинаётган маълумотларга қараганда, жаҳонда миллат танламас ушбу иллат билан боғлиқ бўлган жиноятлар сони вақт ўтгани сайин ортиб бормоқда.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат фуқароларимизни, хусусан, ёшларимизни жамиятнинг ҳар томонлама комил, соғлом, юксак тафаккур ва маънавиятли, ижтимоий фаол кишилари қилиб тарбиялашга қаратилган, — дейди нарколог-мутахассис Фурқат Баҳромов. — Мана шу халқчил сиёсат боис мамлакатимизда барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб борилмоқда. Жумладан, июнь ойи юртимизда "Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги" деб эълон қилинган. Шу муносабат билан жойларда мутахассислар, шифокорлар ва бошқа мутасаддилар иштирокида турли тадбирлар уюштирилмоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёда "Аср вабоси" дея ном олган гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчли оқибатлари кенг тушунтирилмоқда.

Инсон — коинот гултожи. У бошқа жонзотлардан фарқли ўлароқ, онг ва тафаккурга, ақл-идрокка эга. Шундай экан, ҳар бир одам ўз саломатлиги йўлида қайғуриши лозим. Тараққиёт қанчалик илдамламасин, янгидан-янги дори-дармонлар қанчалик кўпаймасин, агар инсон ўз саломатлиги устида ўзи қайғурмаса, кутилган натижага эришиш мушкул. Афсуски, орамизда ана шу ҳақиқатни кўра-била туриб, ўз жонига жабр қилаётганлар ҳам учраб туради. Нарколог-мутахассис Ф. Баҳромовнинг тавсиясига кўра, биз ана шундай беморлардан бири билан суҳбатлашдик. Маъруф (исм ўзгартирилди) ҳам, не таассуфки, ушбу бало-қазога йўлиққан. У ёшликнинг бебош кўчаларида адашиб, эндиликда даволанаётганлардан бири.

— Ота-онамнинг ёлғиз фарзандиман, — дейди у. — Шу боис улар нимани истасам, муҳайё қилишарди. Мактабда ўқиб юрганимдаёқ тенгдошларим учун қўл етиб бўлмас нарсаларнинг ҳаммаси менда бор эди. Ана шундай шароитда яхши ўқиш ўрнига ёмон иллатларга берилиб кетдим. Дастлаб сигарета чекишни ўргандим. Ҳар хил "ошналар" билан тез-тез ўтиришлар уюштирардик. Шундай давраларнинг навбатдагисида дўстларимдан бири мени имлаб ташқарига чақирди. "Ҳозир бундай қиламиз, — деди у. — Биласан, ёшлик ўтади, кетади. Шунинг учун бугун нима бўлсаям, қизлар билан "вальс"га тушайлик". "Тушсанг тушавер, менга нима дейсан", дедим. "Бир ўзим уяламан, шунинг учун иккаламиз ҳозир мана бундан биттадан чекиб олсак, сен ҳам, мен ҳам уялмаймиз". У шундай деб чўнтагидан сигарета чиқариб тутатди. Мен унга: "Э, шунга шунчами, мен чекишни аллақачон бошлаганман", деб мақтандим. Шунда у ғалати ҳиринглади. Бу ҳиринглаш маъносини у узатган сигаретани тортгандан кейин тушундим. Аввал бошим айланди, кейин оёқларим қалтиради. Сўнг нима бўлганини эслолмайман...

### Мутахассис изоҳи:

— Гиёҳванд моддалар — наша, афюн, героин ва кокаин мия фаолиятини бузади. Киши атроф-муҳитда бўлаётган воқеаларга бепарво бўлиб қолади. Унинг гирдобига тушган бемор нафақат ўз яқинлари, балки юртини ҳам танимайдиган манқуртга айланади. Мана шунинг ўзиёқ гиёҳвандликнинг нақадар тубанликка олиб боришини англатади.

### Бемор сўзи:

— Мактабни битириш арафасида чекишни яхши "ўзлаштириб" олгандим. Ўша йили кўп синфдошларим ўқишга киришди. Биз — тўрт-бешта "ақллилар" эса ўз "ишимиз"ни давом эттирдик. Чекишдан ташқари ўғирлик ҳам қилардик. Отам эса менинг бу қилиқларимни эшитиб, зора босилиб қолса, деган умидда уйлантириб қўйди. Бошда қилаётган ишларимдан чалғигандай ҳам бўлдим. Келинга меҳрим тушди. У чекишимдан хабар топгач, "Чекманг, умрингизга зиён, қолаверса, болаларимиз ногирон бўлиб қолиши мумкин", дея зорланарди. Унинг бу гапидан сўнг чекишни ташлашга қатъий қарор қилдим. Аммо иродам етмади. Орадан йиллар ўтди, икки фарзандли бўлдим. Йўқ, йўқ, фарзандларимнинг иккиси ҳам соғ-саломат. Бечора хотинимнинг боши осмонда эди. Аммо...

Хуллас, бир куни уйга яна чекиб келдим. Ярим кечаси совқотгандек бўлдим. Кўрпани оламан, деб ёнимга қўл узатдим ва қўлим юмшоқ бир нарсага текканини биламан "вағ" этган овоз, кейин чинқириқ эшитилди. Кимдир қўлимни қаттиқ силтаб ташлади...

Кейин билсам, кичик ўғлимнинг юзидан чангаллаган эканман. Қўлим кўзига кириб кетибди. Мен буни англамаганман. Хотиним қўшни аёл билан бирга боламни касалхонага олиб кетибди...

### Мутахассис изоҳи:

— Гиёҳвандлик инсонга ҳар томонлама қаттиқ зарар беради. Буни дунё тиббиёт мутахассислари бир овоздан тасдиқлашмоқда. Гиёҳвандлик оқибатида ўнлаб тузалмас касалликларга йўлиқиш, бевақт ўлим ҳолатлари, мажруҳ, ақли ноқис фарзандлар туғилиши исботланган. Бу эса инсоннинг ўз жонига қасд қилиши билан barобардир.

### Бемор сўзи:

— Кунларнинг бирида яна кайфда ўтирсам, кимдир келиб, менга: "Қачонгача шундай қиласан, эл олдида юзим қаро бўлди-ку?!" дея ўшқира кетди. Бу гаплар менинг қонимни қайнатди. Ўрнимдан туриб ўша одамни роса тепдим, ҳолсизланиб қолганимдан кейин тош билан ҳам урдим. Элас-элас эслайман, атрофда одам кўп эди. Эртасига — ҳушим ўзимга келгандан кейин кимни урганимни билиб даҳшатга тушдим. Чунки ҳамма қилиқларимга чидаган, ҳатто, бир марта бўлса ҳам қаттиқ гапирмаган отамни урибман. Отам бечора оғир аҳволда касалхонага тушибдилар. Эл оғзига элак тутиб бўлмасди — фарзандим ва отамнинг касалхонада эканлигини, бунга эса мен сабабчи эканлигимни гапиришарди. Бундай иснoддан бош кўтаролмай қолдим. Охири қатъий аҳд қилиб мана шу ерга келдим. Даволанишни бошлаганимга тўрт ой бўлди. Сал ўзимга келдим. Қилган қилиқларимни эсласам, минг-минг пушаймонлар бўламан. Йўқ бўлиши мумкин эмас, дейман. Аммо ҳаммаси ҳақиқат..."

### Хулоса

Нарколог-мутахассис Фурқат Баҳромовнинг мулоҳазалари ҳамда бемор Маъруфнинг афсус-надоматларга тўла ҳаёти бошқаларни — унинг тенгдошларини, умуман, ҳамма-ҳаммани ҳушёрликка чақиришини истардик. Бинобарин, ҳар бир фарзанд биз учун азиз. Унинг тақдирига масъулият билан муносабатда бўлиш, аввалamбор, ота-онанинг, сўнг маҳалла-кўйнинг, кенг жамоатчиликнинг бурчи. Сир эмаски, барча иллат лоқайдликдан келиб чиқади, бепарволикдан урчийди...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ.**

## Танлов

*Шу йилнинг 14 июнидан 12 августига қадар компьютер ўйинлари бўйича "Uzbekistan Cyber Games Beeline — 2012" Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтади.*

# Компьютер билимдонлари мусобақаси

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигидан маълум қилинишича, бу галги мусобақа "Фонд Форум", "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "infoCOM.UZ" журнали томонидан ташкил этилмоқда. "Билайн" савдо белгиси остида фаолият кўрсатаётган "Unitel" масъулияти чекланган жамияти биринчиликнинг бош ҳомийси ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, компьютер ўйинлари бўйича мутахассисларимиз 2003 йилдан буён турли халқаро турнирлар, жумладан, "World Cyber Games — 2004 — 2008" жаҳон чемпионатлари ҳамда 2007 ва 2009 йилларда ёпиқ иншоотларда ўтказилган Осиё ўйинларида қатнашиб, ўз маҳоратларини намоён этиб келишмоқда.

— Мазкур мусобақаларда вакилларимиз катта муваффақиятларга эришдилар, — дейди чемпионат ташкилий қўмитаси раҳбари Александр Сучков. — Масалан, Осиё Олимпия кенгаши кўмагида Макаода ўтказилган AIG 2007 ва Вьетнамда бўлиб ўтган AIG 2009 Осиё ўйинларида ҳамюртларимиз иккита кумуш ва иккита бронза медалларига сазовор бўлдилар. Бу мамлакатимизда юксак салоҳиятга эга ёшлар кўп эканлигидан далолатдир.

Навбатдаги Ўзбекистон чемпионати дастурига "Counter Strike 1.6", "Dota All Star 5x5", "NFS Most Wanted" ва "FIFA" ўйинлари киритилган.

Чемпионат икки босқичдан иборат бўлиб, июнь-июль ойларида Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қарши, Нукус ва Тошкент шаҳарларида минтақавий саралаш турнирлари ташкил этилади. 11 август куни пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида мусобақанинг финал босқичи ўтказилади.

Ўзбекистон чемпионати якунлари бўйича навбатдаги "World Cyber Games — 2012" жаҳон чемпионати ва 2013 йилда Жанубий Кореяда ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган Осиё ўйинларида иштирок этадиган мамлакатимиз терма жамоаси шакллантирилади.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**


● Реклама ва эълонлар ●

*Ҳурматли абонентлар, Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари!*

UZTELECOM

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» ФИЛИАЛИ

*телекоммуникация тармоғида Тошкент шаҳридаги шошилинч ва маълумотлар хизматига чиқиш тартиби 101, 102, 103, 104,..., 10хх рақамларини териш билан амалга оширилмоқда.*

| | |
|---|---|
| «101» | (ёнғин хавфсизлиги хизмати) |
| «102» | (милиция) |
| «103» | (тез ёрдам) |
| «104» | (газ хизмати) |
| «1050» | (қутқарув хизмати) |
| «10хх» | (бошқа хизматлар) |

Қўшимча маълумотлар учун 200-31-31 ёки 1064 телефонлари орқали мурожаат қилинг.

1011А/277




*Сара уруғ — юқори ҳосил гарови*

**Испаниянинг FITO SEMILLAS компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз омборидан такрорий экин учун маккажўхори ва чим уруғларини таклиф қилади.**



**Уруғлар сертификатланган ва давлат реестрига киритилган.**

**Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99897) 728-57-80. Факс: (+99871) 257-58-61.**

998А/710





## ОБ-ҲАВО (20 июнь)

| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +19 +24 | +32 +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +17 +22 | +34 +39 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +19 +24 | +36 +41 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +17 +22 | +33 +38 |
| Тошкент шаҳрида | +20 +22 | +37 +39 |







Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 654. 90 424 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.50 Топширилди — 21.50
1 2 3 4 5